

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 3 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 3 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI 9-14

Шухрат Эргашев

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ 15-23

Касимова Шахноза Алишеровна

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ 24-29

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Файзиева Ширин Шодмоновна

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ 30-35

Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ
МАСАЛАЛАР 36-41

Murodova Nargiza Utkirovna

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI 42-47

Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТО'ЛОВГА ЛАЙОҚАТСИЗЛИГИ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ 48-55

Temirova Feruza Sagdullayevna

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH 56-62

Sobirova Marhabo Haitovna

МЕВА-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH
YO'LLARI 63-67

Mamajonova Gulasal Oribjon qizi

KORXONALARIDA ISHLAB CHIQRISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI 68-77

Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich

О'ЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ
БОШҚАРИШ SAMARADORLIGINI OSHIRISH 78-87

Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ 88-101

Каржавова Хуршида Абдумаликовна
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ
АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ 102-110

Soliyev Dilmurod Jamolovich
AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING
ASOSIDIR 111-119

Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH
MASALALARI 120-130

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Тўраев Шавкат Нишонович
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ 131-137

Qodirov Davronbek Hoshimovich
TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY 138-143

Sharipov Dilshod Baxshilloevich
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI 144-148

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Гаппаров Алибек Қаршибоевич
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ 149-155

Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quدراتillayevna
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND
AND VISUALLY IMPAIRED 156-161

Ахмедшина Лилия Рафаэльевна
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ 162-166

Kholmuminova Makhliyo
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES 167-171

Shirinova Yekaterina
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI 172-178

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Қутлымуратов Фарҳад Қалбаевич

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ 179-185

Kasimov Nodirjon Sodikjonovich

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY
XUSUSIYATLARI 186-196

Урманбаева Ферузахон Саттаровна

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ 197-203

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ
KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR
TAHLILI) 204-210

Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA
TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI 211-217

Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA
TARBIYALASH 218-223

Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ 224-229

Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISH 230-236

Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE
EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES 237-244

Yusupov Dilmurod Abdurashidovich

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER
TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH 245-254

Ergashev Omonboy Turgunbayevich

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA
PEDAGOGIK ASOSLARI 255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabjanovna</i> THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i> YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI	275-281
<i>Бабахова Гулзиба Зиятбаевна</i> К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich</i> KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA	290-296
<i>Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	297-301



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари. -2023. -№ 3 (3).
ISSN: 2181-1342 (Online)
<https://scienceproblems.uz>

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Мусағалиев Ажинияз Жумагулович

Қорақалпоқ давлат университети профессори, и.ф.д.

Дустова Мухайё Худайбердиевна

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
Инновацион иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг назарий жиҳатлари, аграр сиёсат ва унинг давлат томонидан тартибга солиниш усуллари ҳамда молия-кредит механизми батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалик корхоналари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиявий хизматлар, молия-кредит механизми.

Мусағалиев Ажинияз Жумагулович

Профессор Каракалпакского государственного университета,
доктор экономических наук.

Дустова Мухайё Худайбердиевна

Каршинский инженерно-экономический институт,
Старший преподаватель кафедры инновационной экономики

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПОДДЕРЖКИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье подробно описаны теоретические аспекты поддержки сельскохозяйственных предприятий, методы аграрной политики и ее регулирования государством, а также финансово-кредитный механизм.

Ключевые слова: сельскохозяйственные предприятия, государственная поддержка, финансовые услуги, финансово-кредитный механизм.

Musagaliev Ajiniyaz Jumagulovich

Professor of Karakalpak State University, Doctor of Economics.

Dustova Mukhayo Khudaiberdievna

Karshi Institute of Engineering and Economics,
Senior teacher of the Department of Innovative Economy

SOME ISSUES OF SUPPORTING AGRICULTURAL ENTERPRISES

Abstract. The article describes in detail the theoretical aspects of supporting agricultural enterprises, agrarian policy and its regulation by the state, as well as the financial and credit mechanism.

Key words: agricultural enterprises, state support, financial services, financial and credit mechanism.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N05>

Маълумки, иқтисодий ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги сектори муҳим рол ўйнаганлиги сабабли, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишдан валюта тушумини кўпайтиришга, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни олиб бориш зарур ҳисобланади. Олиб борилган ислоҳотларга қарамасдан, мамлакатларнинг кўпчилигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми доимий равишда пасайиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг пасайиши билан боғлиқ ҳисобланади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг кўпчилигини ташкил этувчи кичик фермерлар ҳосилдорликни ошириш учун жуда кам рағбатлантириладилар. Молиялаштириш имконияти қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлаб чиқариш ва маркетинг хавфини камайтириш учун суғурта сотиб олишга имкон беради. Бу кўпроқ одамларни тижорат даражасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишга ва ҳосилдорликни оширишга ундайди. Назарий жиҳатдан қараганда, Д.Рикардонинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги капитални ишлаб чиқаришнинг доимий омилларига қўллашнинг кўпайиши билан катта ютуқларга эришиши мумкин[4]. Бироқ, кўпроқ капиталга эга бўлишга мамлакат молиявий тизимининг ривожланиши таъсир қилади.

Назаримизда молиявий хизматларга кириш қишлоқ хўжалиги сектори фаолиятида, айниқса қишлоқ хўжалиги экспортини диверсификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг даврий характерида кўра, ишлаб чиқариш ресурсларининг мақбул комбинацияси ҳосилдорликни ошириш учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга, давлатнинг иқтисодий ўсишига қишлоқ хўжалигининг ўсиши орқали эришиш мумкин деган назарий қарашлар ҳам мавжуд. Лекин қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигига ҳисса қўшадиган омилларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш ва техник самарадорлик билан бир қаторда тегишли технологиядан фойдаланиш киради. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг самарадорлигига янги технологиялар ва яхши инфратузилмани жорий этиш, зарур ресурсларни сотиб олиш учун маблағ ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг бошқарув имкониятлари таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш ва ундан оптимал фойдаланиш учун эса маблағ керак.

Шундай қилиб, фермерларнинг молиявий хизматлардан фойдаланишлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий таркибий қисмидир ва бу келажақда ривожланиш учун ҳар қандай қашшоқликни камайтириш стратегиясининг муҳим элементи ҳисобланади. М.Картернинг фикрига кўра, молиявий хизматларга, хусусан, кредитга эга бўлиш, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигига ресурсларни самарали тақсимлаш

орқали таъсир қилади, чунки бу қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит чекловларини енгишга ёрдам беради [1]. Унинг таъкидлашича, «бундай эффект қишлоқ хўжалиги корхоналарини маълум бир ишлаб чиқариш майдонида янада интенсификация ва тўланадиган даромадли комбинацияга ўтказиши». Бу маблағлар янги технология пакетларини, масалан, юқори маҳсулдор ва касалликларга чидамли яхшиланган уруғ навларини сотиб олиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Демак умуман олганда, ривожланаётган иқтисодиётда қашшоқликни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини ошириш орқали таъминланиши мумкин, бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан янги ва такомиллаштирилган технологияларни қўллаш учун молиявий хизматлардан фойдаланишни талаб қилади. Бироқ, асосий муаммо – ривожланаётган иқтисодиётдаги қишлоқ хўжалиги корхоналар учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини қандай яхшилаш мумкинлигидадир. Аслида, баъзи тадқиқотчилар, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда фермерлар учун мавжуд бўлган замонавий молиялаштириш схемалари унчалик самарали эмаслигини таъкидлайдилар. Д.Хулме ва П.Мосли қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги молиявий муаммоларни фақат кредит олиш орқали бартараф этиш мумкин эмаслигини таъкидлаган [2]. Р.Левин, кўплаб иқтисодчилар молиявий хизматларга кириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ўртасидаги ижобий боғлиқлик борлигини таъкидлашган [3].

Шундай қилиб, тадқиқотлар кўрсатмоқдаки фермерлар томонидан молиялаштиришдан фойдаланиш аҳолининг кўп қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўпчилик одамлар фаровонлигини ошириш имкониятини таъминлайди. Шунингдек, у ривожланаётган мамлакатлар бошидан кечираётган ишсизлик даражасини пасайтириш имкониятига ҳам эгадир.

Давлатнинг қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашга доир бўлган қарорлари асосан унинг аграр сиёсатида боғлиқ ҳисобланади. Фикримизча, “аграр сиёсат” кенг тушунча бўлиб, “қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш” аграр сиёсатни амалга оширишнинг шакл, усул, механизм ва воситаларини ифодалайди. Аввалига жамиятнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш бўйича давлатнинг аграр сиёсати шакллантирилади, унинг мақсади, вазибалари, тамойиллари ва устувор йўналишлари аниқланади. Аграр сиёсатини амалга ошириш воситалари сифатида эса қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг давлат (маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-технологик, нарх, бюджет-солиқ, молия-кредит, мақсадли дастурлаш, индикатив режалаштириш, ижтимоий ва бошқа) ва бозор механизмлари (талаб, таклиф, нарх, рақобат ва бошқа) ишга солинади (1-расм).

Юқорида келтирилган фикрларга кўра, давлатнинг аграр сиёсатидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, унинг таркибий қисми сифатида эса қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш механизмлари шаклланади ва улар ягона, бир бутун яхлит тизимни ташкил қилади. Молия бозори расмий ва норасмий сегментларга эга ҳисобланади. Норасмий воситачилар фақат кредит имкониятларини тақдим қиладилар,

расмийлар эса жамғарма, кредит ва пул ўтказмалари хизматларини кўрсатадилар. Ҳар бир бозорда қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланадиган хизматлар миқдори тўғрисида оқилона қарор қабул қилишлари керак. Фақат кредит имкониятларини берадиган норасмий воситачиларга келсак, қишлоқ хўжалиги корхоналари кредитдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик ўртасида танлов қилишлари керак. Расмий молиявий воситачилар жамғарма, кредит ва пул ўтказиш хизматларини кўрсатади. Демак, қишлоқ хўжалиги корхоналари ушбу хизматлар ёки уларнинг комбинацияси ўртасида танлов қилиш имкониятига эгадирлар.



1-расм. Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш механизми уйғунлиги [5]

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги корхоналари молия кредит механизмини такомиллаштириш турлича амалга оширилади. Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб қувватлаш юзасидан иккита дастури мавжуд. Биринчидан, маҳсулотнинг бозор нархи белгиланган миқдордан пасайиб кетса ва иккинчидан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадлари белгиланган миқдордан пасайиб кетса давлат томонидан субсидиялар ажратилади. Европа

мамлакатлари тадқиқотлари ўлароқ қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат аралашувини гуруҳларга бўлган ҳолда бошқариш лозимлигини таъкидлайди. Яъни, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молия кредит механизмини суғурталаш орқали, рискларни давлат томонидан хеджирлаш орқали олиб борилаётган бўлишига қарамасдан, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлаш амалиётини такомиллаштириш индивидуал ёндашув талаб этади.

Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари молия-кредит механизмини такомиллаштириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши 2022 йил якунларига кўра 25,1 % ташкил этди, аммо бу кўрсаткич сўнгги 5 йил ичида пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳосилавий қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш, давлат томонидан молиялаштириш дастурига мувофиқлигини аниқлаш лозим. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда қишлоқ хўжалик корхоналари молия кредит механизми такомиллаштирилишини тақозо этади.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлашда, жумладан, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш, молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ҳудудлар инвестиция жозибадорлигини ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланди.

Аграр маҳсулот ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўплаб ривожланган мамлакатлар ҳаётида улкан роль ўйнайди ҳамда аграр секторда аграр ва молиявий сиёсатни амалга оширишда кучли дастак бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўплаб механизмлари ўзининг узоқ йиллик хронологияси ва иқтисодий ва молиявий воситалардан фойдаланишнинг кенг доираси билан ажралиб туради, бироқ баъзида айрим ҳудудларда ишлаш тамойиллари кўп ўхшашликка эга. Баъзи ҳолларда улардан фойдаланиш усуллари ва шакллари ўзига хослиги ва ҳажми билан фарқланади. Барча ушбу фарқлар аграр сектор ривожланишининг миллий хусусиятлари, шунингдек ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва уларнинг жаҳон аграр бозоридаги ўрни каби кўплаб бошқа омиллар билан боғлиқ ҳолда изоҳланади.

Аграр секторни ислоҳ қилиш нуқтаи назаридан унинг муаммосини ҳал қилиш учун қишлоқда ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бир вақтнинг ўзида ҳал этиш зарур ва бунда давлат томонидан тартибга солишсиз буни бажариб бўлмайди. Бунда устувор республика, минтақавий, маҳаллий ва ички хўжалик мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш орқали биз молиявий ва кадрлар муаммоларини ҳал қилишимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, аграр секторни иқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бозор муносабатларига ва иқтисодиётни бошқариш услубига таъсир этувчи мамлакат минтақаларининг

иқтисодий географиясидан қатъи назар, ҳар бир давлатнинг объектив зарурати ҳисобланади. Аграр секторни барқарор ва рақобатбардош ривожлантириш шarti билан аҳолининг сифат стандартларига жавоб берадиган озик-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хомашёга бўлган эҳтиёжини қондирадиган аграр сиёсат учун давлат томонидан тартибга солиш зарур эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу муаммони сарҳисоб қилар эканмиз, иқтисодиётни, шу жумладан, аграр секторни тартибга солишнинг кучли давлат воситалари зарурлигини таъкидлаш муҳимдир. Қатор ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси аграр секторда давлат аралашувисиз ривожланиш бўлмаслигини яна бир бор исботлайди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Carter, M. R. (1989). The impact of credit on peasant productivity and differentiation in Nicaragua. *Journal of Development Economics* 31(1): 13–36.
2. Hulme, D.; Mosley, P. (1996). *Finance against poverty*. Vol. I. Routledge, London.
3. Levine, R. (2004, September). *Finance and growth: Theory and evidence*. NBER Working Paper No. 10766
4. Ricardo, D. (1815). The influence of a low price of corn on the profits of stock. Sraffa, vol. IV.
5. М.С.Юсупов, Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари, Тошкент. Иқтисодиёт, 2017.



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 3 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).